

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ
ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

“Янги Ўзбекистон ғояси ва тараққиёт босқичининг
маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-
иқтисодий масалалари, ёшларнинг фаоллигини ошириш
муаммолари” мавзусида республика илмий- назарий
конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

(2022 йил 20-21май)

САМАРҚАНД-2022

тўғрисида” ги Қарори кексаларимизга бўлган эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги белгисидир. Дарҳақиқат, жамият соғломлиги, миллат ва авлодлар соғломлиги нуроний кексаларимиз соғломлиги билан узвий боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз”, –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Шавкат Мирзиёев. “Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз”, –Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
3. Ислом Каримов. “Юксак маънавият- енгилмас куч” . –Т.: “Маънавият”, 2008.

ЁШЛАР БУНЁДКОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Тоғаев Нодиржон Эргашевич(PhD), доц, СамДУ
Азизова Лайло Садриевна катта ўқитувчи, СамДУ

Бугунги глобаллашув асри бошқа давлатлар сингари Ўзбекистоннинг ҳам олдига ҳам ўз ечимини топиши зарур бўлган бир қатор муаммоларни қўйди. Бу муаммоларнинг ечими бевосита ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғланган бўлиб, ёшлар эртанги куннинг яратувчилари сифатида ўзларининг миллий давлатчилиги тарихини чуқур англаб етиши, ўз қалбларида бунёдкорлик туйғуларини барқ урдириб яшашлари лозим. Бугунги глобаллашув асрида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги демократик ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг юксак маънавиятга эришувини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш, миллий ва умуминсоний

кадриятларни ўзида мужассам этган ҳамда етук шахсни вояга етказишдир. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Тарихимиз, маданиятимиз динимизга алоқадор бир варақ кўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат”[1; 592 б] – деб таъкидлаб ўтадилар.

Ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш, уларда она-юртга муҳаббат туйғуларини, уни ҳимоя қилиш, асраб-авайлашга қаратилган интилишларини кучайтиришга ёрдам беради. Миллий жиҳатдан ўзлигини англаган инсонгина давлати олдида турган асосий мақсадлари нимадан иборатлигини тушуниб, халқ олдидаги масъулиятини чуқур англайди. Ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, маънавий комилликка эришувида асосий ва белгиловчи омил вазифасини ўтайди.

Кишилиқ жамияти тарихининг ривожланиб бориши жараёнида келажакка йўналтирилган мақсад ва манфаатлар, ижтимоий идеалларнинг истиқболи бевосита ёшларнинг маънавий юксалиши билан боғлиқ ҳолда шаклланиб боради. Бу жараён ҳар бир даврда, ҳар бир мамлакат ижтимоий тараққиёти ва эртанги куни билан уйғунлашган модернизацияни вужудга келтириб, унда яшаётган миллат, элат ва халқ вакиллари бир мақсад сари бирлаштиришга интилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир давлат вакилларида ўз она Ватанига бўлган муҳаббат ва орзу-ниятларни рўёбга чиқаришга қаратилган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишни талаб этади. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “...мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар, кенг кўламли дастурлар ягона ва улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат” - дея бежиз таъкидламаган [1; 412 б].

Бугунги кунда жамиятимизда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигига эришиш, ёшлар маънавиятини шакллантириш, диний бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш, маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларда аجدодларимиз меросига нисбатан фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиш давр талабига айланмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳалари, бу ижтимоий, маданий, сиёсий, иқтисодий соҳалар бўлмасин, улар ўзаро алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади ва ворисийлик асосида ривожланади. Буларнинг марказида ягона меъёр - кадрият тушунчаси, категорияси туради. Бу ҳақда мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов: “Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда”[2; 267 б] - деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда бугунги кунда миллий кадриятларни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига Она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, миллий ғоя тарғиботини ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим-тарбия соҳасида миллий кадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш асосий ўрин тутди. Тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилаётганлиги фикрларимиз исботидир. Аجدодларимизнинг ўтмиши, миллий ва диний анъаналаримиз, маънавий кадриятларимизни ўрганиш, халқимизнинг миллий ўзлигини англаши, демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ривожига фуқароларнинг, айниқса, ёш авлоднинг яхлит бир дунёқараши шаклланишида назарий пойдевор вазифасини бажаради.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга йўналтирилган, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга

бўлишини кафолатлашга хизмат қиладиган иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, ғоявий-мафкуравий тадбирлар тизимли тарзда амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни пайтда, давлат дастурлари доирасида ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар ҳам юксак самара ва сифат билан рўёбга чиқарилаётганини қайд этиб ўтиш лозим. “Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қиладди, - дейди биринчи Президентимиз Ислом Каримов, - Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак”[3; 81 б].

Дарҳақиқат жамиятимизда маънавий янгиланишлар, юксалишлар жадал кечаётган, глобаллашув қадриятларимизга ўз таъсирини кўрсатаётган бир пайтда, ҳар бир инсонда, шахсда, анникса ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Маънавий меросимизга асосланган миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни умуминсоний қадриятлар билан бойитиш, уйғун ҳолда сақлаб қолиш, ривожлантириш ҳамда келгуси авлодларга етказиб бериш асосий вазифага айланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги келаётган ёшларимиз бунёдкорлигининг шаклланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги глобаллашув шароитида дунёда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Мамлакатимиз ёшларида бунёдкорликни шакллантиришда, уларни ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, толерантлик руҳида тарбиялаш, уларда ўз халқига, ватанига садоқат, бошқа миллатларга нисбатан бағрикенглик

ҳис-туйғуларини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлиги энг муҳим масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. Т.: „Ўзбекистон”, 2018, 592-бет.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015, - 267 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-1-жилд.-Т.:Ўзбекистон,1996.- 81-бет.

ТАФАККУР: ДИНАМИК ВАФАЛСАФИЙ ДЕФИНИЦИЯ (СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛ)

Муминова Зарифа Одиловна.
СамДУ Ўзбекистон-Финландия педагогика институти Ёшлар
масалалари ва маънавий маърифий ишлар бўйича директор
ўринбосари.

Бугунги кунда инсоният ўз келажагининг муҳим, бурилиш палласини бошдан кечирмоқда. Инсоният келажагини пессимистик башорат қилиш, тобора авж олиб бормоқда. Бу келажакни шубҳа остига қўяётган глобал экологик муаммолар, демографик инқирозлар, ижтимоий сиёсий зиддиятлар, терроризм, маънавий ахлоқий таназзул хусусидаги қарашлар ҳам илмий ҳамжамият ҳам оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзусига айланиб қолди. Бундай вазият жамиятда, инсонлар орасида тушқунлик, келажакка нисбатан ишончсизлик, умидсизликнинг, пессимистик кайфиятнинг кучайиб бориши табиийдир. Инсон ўзини ўраб олган муаммолар қуршовида ожиз, ҳимоясиз сеза бошлайди. Лекин, инсон ҳар қандай вазиятда ҳам инсонлигича қолади. У ҳар қандай вазиятда муаммонинг ечими топа олиш, зиддиятларни бартараф этиш қобилиятига эгадир. Унинг ана шундай қобилияти, онгли мавжудот эканлиги, тафаккур соҳиби бўлганлиги билан боғлиқдир. Инсоният тарихига назар соладиган

49	Jo‘raboyev Diyorbek, 101-iqtisod guruhi talabasi., ilmiy rahbar katta o‘qituvchi A.E.Ziyotova.	MA’RIFATLI YOSHLAR BUZG‘UNCHI G‘OYALARNING QURBONI BO‘LMAYDI	216-219
III SHO‘BA. UCHINCHI RENESANS BUNYODKORLARINI SHAKLLANTIRISHDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR UYG‘UNLASHUVI			
50	Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич Фалсафа фанлари доктори, профессор	ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒОЯСИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИНING РИВОЖЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ	220-223
51	А. И. Сафаров СамДАҚИ доценти	ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНING МУНОСИБ ТИМСОЛЛАРИ	223-228
52	Тоғаев Нодиржон Эргашевич (PhD), доц, СамДУ., Азизова Лайло Садриевна катта ўқитувчи, СамДУ	ЁШЛАР БУНЁДКОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙЎУНЛИГИ	228-232
53	Муминова Зарифа Одиловна. СамДУ Ўзбекистон- Финландия педагогика институтини Ёшлар масалалари ва маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.	ТАФАККУР: ДИНАМИК ВАФАЛСАФИЙ ДЕФИНИЦИЯ (СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛ)	232-236
54	Алиқулов Қувват Ҳакназарович СамДУ к.ўқ.ф.д.(PjD)	ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ АХЛОҚИЙЛАШТИРИШ ВА ЭСТЕТИКЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ	236-242
55	Babakulova Muqaddas Norqabulovna Katta o‘qituvchi, SamDAQI Radjabova Madinabonu Raimovna 2112-guruh	INSON QADRINI ULUG‘LASH DAVLAT RAVNAQI ASOSIDIR	243-245